

██████████ – сонли иқтисодий
иш

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья *Ғ.Машкуров*

Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья *И.Юсупов*

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И

Тошкент шаҳари

2023 йил 6 апрель

Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси, судья Н.Юсуповнинг раислигида, ҳайъат аъзолари судьялар А.Арипов ҳамда И.Юсуповдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Матчановнинг котиблигида, даъвогар раҳбари ██████████, жавобгарнинг собиқ раҳбари ██████████, жамғарма вакили – З.Саттарова (2023 йил 7 мартдаги 05/00-01/15ж-156-сонли ишончнома асосида), “**Universal businesses**” масъулияти чекланган жамият раҳбари Ш.Рахматов иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг даъвогар “██████████” масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар “**Вика Mega Lux**” масъулияти чекланган жамияти ва қўшимча жавобгар ██████████ ██████████ ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекциясига нисбатан жавобгар “██████████” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 750 316 506 сўм асосий қарздорлик ва 13 505 580 сўм пеня ундириш тўғрисида даъво аризаси бўйича Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг ██████████ ҳал қилув қарори устидан “██████████” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган апелляция шикоят асосида ишни иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

“██████████” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар ёки пудратчи деб юритилади) ва “██████████” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар ёки буюртмачи деб юритилади) ўртасида 2019 йил 4 майда 1-сонли қурилиш шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, даъвогар (пудратчи) жавобгарга тегишли бўлган бинонинг ички қисмини жорий таъмирлаш, жавобгар (буюртмачи) эса бажарилган ишлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (матнда Палата деб юритилади) даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар шартнома шартларига мувофиқ жавобгарнинг объектида жами 750 316 506 сўмлик ишлар бажарилиб, тегишли далолатномалар расмийлаштирилганлиги, жавобгар томонидан олдиндан 15 фоиз аванс ҳам тўланмаганлиги, ██████████



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) 274-моддаси тўртинчи қисмига кўра, апелляция инстанцияси судининг суд мажлисига суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган апелляция шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

Судлов ҳайъати ишни уларнинг вакиллари иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин деган хулосага келди.

Судлов ҳайъати, ишда иштирок этувчи шахсларнинг важлари ва тушунтиришларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини ҳамда апелляция шикоятида келтирилган важларни ўрганиб, қўйидаги асосларга кўра, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 14 октябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2021 йил 19 октябрдаги ҳал қилув қарори, Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 13 январдаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 30 июндаги қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судига юборилган ҳамда биринчи инстанция судига ишни янгидан кўриш жараёнида аниқланиши лозим бўлган бир қатор топшириқлар берилган бўлиб мазкур топшириқлар суд томонидан бажарилган.

Тарафлар ўртасида 2019 йил 4 майда имзоланган 1-сонли қурилиш шартномасининг 2-бандига кўра, пудратчи (МЧЖ, даъвогар) мазкур шартнома шартларига асосан буюртмачига (жамият, жавобгар) тегишли бўлган бинонинг ички қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Аммо, тарафлар ўртасида тузилган шартнома доирасида даъвогар томонидан бажарилган ишлар бир нечата суд мажлислари давомида ҳам ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида тўғри тўхтамга келган.

ИПКнинг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

ИПКнинг 69-моддасига кўра, далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади.

ИПКнинг 71-моддасига кўра, суд фақат ишга алоқадор бўлган далилларни қабул қилади.

ИПКнинг 72-моддасига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ



муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 8 ва 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолда мажбурият тарафлар ўртасида имзоланган шартномадан келиб чиққан. Шунингдек, ФКнинг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиққан.

ФК 666-моддасининг биринчи қисмига кўра, қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Ваҳоланки, ФК 680-моддасининг биринчи қисмига кўра, пудратчидан қурилиш пудрати шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки, агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида ишлар натижасининг пудратчи томонидан топширилиши ва буюртмачи томонидан қабул қилиб олиниши иккала тараф имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилиши, тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош тортса, бу тўғрида ушбу далолатномага ёзиб қўйилиши ва далолатномани иккинчи тараф имзолаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2016 йил 23 декабрдаги 306-сон қарорининг 9-бандида ФКнинг 646 ва 680-моддаларига кўра, буюртмачи бажарилган ишни (унинг натижасини) пудрат шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши шарт бўлиб, бу ҳақда иккала тараф томонидан имзоланадиган далолатнома расмийлаштирилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Аммо, тарафлар ўртасида бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиб олиш тўғрисида ҳужжатлар мавжуд эмас.



ИПК 279-моддаси биринчи қисмига кўра, суд томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарорини қабул қилишда моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўйилмаганлигини ҳамда уни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, апелляция шикоятда келтирган важлар билан келиша олмайди ҳамда биринчи инстанция суди томонидан асосли равишда ҳал қилув қарори қабул қилинган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, ИПКнинг 118 – моддаси талабларидан келиб чиқиб ишни апелляция инстанция судида кўриш билан боғлиқ суд харажатларини даъвогар зиммасида қолдиришни ҳамда ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118, 274, 278-279-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

“[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан республика бюджетига 7 638 220,86 сўм давлат божи ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Мазкур қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида белгиланган тартибда Олий судга кассация шикояти берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Н.Юсупов

ҳайъат аъзолари:

А.Арипов

И.Юсупов

Қарорининг кўчирма
нусхаси аслига тўғри _____ судья И.Юсупов

